

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ИБАДУЛЛАЕВА САИДА МАХМУДЖАНОВНА**

**TiO<sub>2</sub>-ИНТЕРКАЛИРЛАНГАН СИСТЕМАЛАР ЯРАТИШ ВА  
УЛАРНИНГ КОЛЛОИД-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of filosofy (PhD)**

**Ибадуллаева Саида Махмуджановна**

TiO<sub>2</sub>-интеркалирланган системалар яратиш ва уларнинг коллоид-кимёвий хоссаларини ўрганиш..... 3

**Ибадуллаева Саида Махмуджановна**

Создание TiO<sub>2</sub>-интеркалированных систем и исследование их коллоидно-химических характеристик..... 21

**Ibadullaeva Saida Maxmudjanovna**

Creation of TiO<sub>2</sub>-intercalated systems and investigation of their colloid-chemical properties ..... 39

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ИБАДУЛЛАЕВА САИДА МАХМУДЖАНОВНА**

**TiO<sub>2</sub>-ИНТЕРКАЛИРЛАНГАН СИСТЕМАЛАР ЯРАТИШ ВА  
УЛАРНИНГ КОЛЛОИД-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2025**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар Вазирлиги хузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2024.4.PhD/T5190 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.ionx.uz](http://www.ionx.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдикамалова Азиза Бахтияровна**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Якубов Йўлдош Юсупбоевич**  
кимё фанлари доктори, профессор,

**Усманов Расул Муратбаевич**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-технология институти**

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.02.30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «14» март 2025 йил соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60); факс: (+99871) 262-79-90).

Диссертация автореферати 2025 йил «28» февраль куни тарқатилди.  
(2025 йил «28» февралдаги № 1- реестр баённомаси)



**Б.С.Закиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

**Д.С.Салиханова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

**И.Д.Эшметов**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бутун дунёда табиий ва оқова сувларнинг бўёқлар, феноллар ва бошқа барқарор органик ифлослантирувчи моддалар билан ифлосланиши жиддий экологик муаммо бўлиб қолмоқда. Тозалашнинг анъанавий усуллари бу бирикмалардан тўлиқ тозалашда етарли даражада самарали эмас, бу эса уларнинг атроф-муҳитда тўпланишига ва сув ресурсларига салбий таъсир кўрсатишига олиб келади. Шу боис,  $TiO_2$ -интеркаляцияланган тизимлар каби янги адсорбцион материалларни яратишга эътибор қаратилмоқда. Ушбу материаллар яхшиланган коллоид-кимёвий хусусиятларга эга бўлиб, ифлослантирувчиларни адсорбция қилиш ва каталитик оксидлаш жараёнларида юқори самарадорликни таъминлайди.

Бугунги кунда жаҳонда металл полиоксокатионлари ва бентонит асосида истиқболли юқори ғовакли материаллар яратиш бўйича тадқиқотлар фаол олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, қуйидаги илмий ечимларни асослашга, жумладан: монтмориллонитнинг мақсадли интеркаляциясининг физик-кимёвий асосларини ишлаб чиқиш, олинган адсорбентлар ва катализаторларнинг синтез усуллари, таркиби ва текстуравий хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликларни аниқлаш, уларнинг табиий ва саноат оқова сувларини тозалаш шароитларини ўрганиш, ғовакли материалларни олишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада янги материаллар, шу жумладан бентонит асосида адсорбцион материаллар олиш бўйича бир қатор илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг учинчи йўналишида «Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш»<sup>1</sup> йўналиши бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу жиҳатдан замонавий юқори самарали адсорбцион реагентларни яратиш, уларнинг хусусиятлари, ишлаб чиқариш шарт-шароитлари ва таркиби ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида » ги Фармони

амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда металл полиоксокатионлари билан интеркаляциялаш орқали қатламли материалларнинг тузилма хусусиятларини яхшилашга қаратилган тадқиқотлар, жумладан, адсорбентлар ва каталитик фаол моддалар яратиш бўйича Kloorprogge J.T., Ramirez J.H., Carriazo J., Tomul F., Zhou J., Chen Q., Pinnavaia T.J., Конькова Т.В., Ханхасаева С.Ц., Бутман М.Ф., Брызгалова Л.В., Дашинамжилова Э.Ц., Бадмаева С.В. ва бошқаларнинг ишлари мавжуд.

Мамлакатимизда К.С. Ахмедов раҳбарлигида модификацияланган қатламли тизимлар асосида самарали адсорбентлар олиш бўйича илмий мактаб ташкил этилган бўлиб, унинг вакиллари: Хамраев С.С., Агзамхўжаев А.А., Нарметова Г.Р., Мўминов С.З., Ахмедов У.К., Абдурахимов С.А., Юсупов Ф.М., Акбаров Х.И., Эшметов И.Д., Салиханова Д.С. ва бошқалар унинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар.

Тадқиқот бентонитларни турли интеркаляцияловчи агентлар ёрдамида модификация қилиш, титан полиоксокатионларини синтез қилиш ва уларни монтмориллонит қатламлари орасига жойлаштиришни ўз ичига олади. Натижада, мазкур тизимларнинг адсорбцион ва каталитик хусусиятлари, жумладан органик ифлослантурувчиларни оксидлаш жараёнларидаги самарадорлиги ўрганилди. Юқори солиштира сирт юзага эга ғовакли адсорбентларни мақсадли синтез қилиш ва интеркаляцияланган бентонитларни саноат миқёсида ишлаб чиқаришга оид баъзи ечимсиз масалалар мавжуд бўлиб қолмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ «Нефт, нефт-газ казиб чиқариш саноати чиқинди сувларини тозалаш учун адсорбентлар ва реагентлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш, шунингдек, кўчма тупроқ-қумли дисперсияларда мустаҳкам структура ҳосил қилувчи реагентлар таркибини яратиш» мавзусидаги давлат дастури доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади**  $TiO_2$ -интеркаляция қилинган тизимларни яратиш ва уларнинг коллоид-кимёвий ҳамда адсорбцион хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Лоғон бентонитининг (ЛГ) таркиби, тузилиши ва текстуравий хусусиятларини ўрганиш;

TiO<sub>2</sub>-пилларланган бентонитни синтез қилиш, Ti<sup>4+</sup> полиоксокатионларини синтез қилиш ва уларни интеркаляция қилиш шарт-шароитларининг ЛГ тузилишига таъсирини ўрганиш;

асосий бентонит ва унинг интеркаляция қилинган шаклларида азотнинг адсорбция-десорбция жараёнларини ўрганиш, текстуравий хусусиятларидаги фарқларни аниқлаш;

Ti/бентонит нисбати билан фарқланувчи пилларларда катионли (МК) ва анионли (КК) адсорбция жараёнларини ўрганиш;

бўёқларнинг каталитик оксидланиш жараёнларини тадқиқ қилиш;

TiO<sub>2</sub>-пилларланган бентонитларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Лоғон кони монтмориллонит гили ва у асосидаги пилларланган бентонитлар (TiO<sub>2</sub>ЛГ550-3, TiO<sub>2</sub>ЛГ550-5, TiO<sub>2</sub>ЛГ550-10, бу ерда Ti/бентонит массавий нисбати 3, 5 ва 10) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Ti<sup>4+</sup> полиоксокатионларини бентонитнинг қатламлараро фазосига интеркаляция қилиш усуллари, шунингдек, уларнинг коллоид-кимёвий ва адсорбцион хусусиятлари ҳамда турли адсорбатлар билан ўзаро таъсир механизмлари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда Лоғон гили асосидаги адсорбентлар ва каталитик фаол материалларнинг физик-кимёвий (рентгенофлуоресцент, термик ва электрон-микроскопик, спектрал таҳлиллар) ҳамда коллоид-кимёвий (адсорбция, кондуктометрия) хусусиятларини аниқлаш учун замонавий ва анъанавий усуллар кенг қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тетрабутилтитанат ёки юқори дисперсияли TiO<sub>2</sub> дан фойдаланиш билан фарқ қиладиган Ti<sup>4+</sup> полиоксокатионлари ва Лоғон бентонити асосида интеркалирланган тизимларни олиш усуллари ишлаб чиқилган бўлиб, бу бентонитнинг қатламлараро бўшлиқларида пилларларнинг кичик, бир текис тақсимланган агрегатлар кўринишида жойлашишига ёрдам бериши аниқланган;

Ti/бентонит = 5 ммоль/г нисбати ва 80-90°С интеркалирланиш ҳароратида 15,3° да дифракция чўққиларининг юқори интенсивлиги кузатилиб, бу титан оксидининг гил қатламлараро бўшлиқларига максимал интеркалирланиши билан боғлиқлиги исботланган;

бентонитга интеркалирланган TiO<sub>2</sub> миқдорининг ортиши билан тизимнинг рН даражаси пасайиб, бу интеркалирланган тизимларнинг бошланғич материалга нисбатан юқори кислоталигини кўрсатиши ва TiO<sub>2</sub>ЛГ550-3 намунаси учун ТНЗ рН 5,0-5,5, TiO<sub>2</sub>ЛГ550-5 учун эса 4,7-5,0 оралиғида эканлиги аниқланган;

TiO<sub>2</sub>ЛГ550-5 нинг МГ ва КҚ учун адсорбция қобиляти 224,1 ва 196,2 мг/г гача бўлиб, бу катион ва анион бўёқларни юқатишда интеркалирланган тизимларнинг самарадорлигини асосланган;

TiO<sub>2</sub>-интеркалирланган бентонитлар ва водород пероксид иштирокида КҚнинг каталитик парчаланиши бироз тезроқ бўлиб, 40 дақиқада 94%

деструкцияга эришса, МГ учун бу кўрсаткич 45 дақиқада 91% ни ташкил этиши, бу  $TiO_2$  интеркалирланиши анион фаол марказларнинг ортиши билан боғлиқлиги аниқланган;

$TiO_2$ -пиллар бентонитларини ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилган ва маҳсулот таннархи 38702,82 минг сўм/тоннани ташкил этиши, бу импорт қилинган аналоглар нархидан деярли уч баравар орзанлиги (тахминан 120 минг сўм/кг) аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

$Ti^{4+}$  полиоксокатионлари ва Лоғон бентонити асосида бўёқлар ва бошқа органик моддалардан оқова сувларни тозалаш жараёни учун адсорбентлар ва катализаторларни олиш усули ишлаб чиқилган;

юқори адсорбцион ва каталитик хусусиятларга эга  $TiO_2$ -бентонитни ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий тадқиқотлар замонавий физик-кимёвий (РФА, УФ-, ИҚ-спектроскопия, электрон микроскопия, термик таҳлил) ва коллоид-кимёвий (калориметрия, кондуктометрия, адсорбция) усуллардан фойдаланган ҳолда олиб борилди. Тажриба синовлари лаборатория шароитида ва тўқимачилик саноати ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ишлаб чиқариш шароитида ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий бентонит асосида юқори даражада ривожланган наноғовакли тузилмага эга интеркалирланган тизимларни мақсадли синтез қилиш методологиясини ишлаб чиқиш, адсорбент-адсорбат ўзаро таъсир механизми ва қонуниятларини аниқлаш, ғовакли тузилишнинг органик моддаларни оксидловчи деструкция реакцияларида катализаторларнинг фаоллиги ва барқарорлиги билан ўзаро боғлиқлигини ўрнатиш билан билан асосланган бўлиб, бу эса адсорбентлар ва каталитик фаол моддаларни мақсадли равишда яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сув муҳитида бўёқларга нисбатан юқори адсорбцион хусусиятларга эга бўлган маҳаллий хом ашё ресурслари асосида пиллар материалларни олиш технологиясини ишлаб чиқишда, шунингдек, кимё ва кимёвий технология соҳасида магистрлар ва бакалаврларни тайёрлаш учун ўқув жараёнида қўлланишда хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Тадқиқот жараёнида Лоғон бентонити қатламлараро фазосига полиоксокатионларни интеркаляция қилиш усулларини ўрганишдан олинган илмий натижалар асосида:

$TiO_2$ -интеркалирланган бентонитлар олиш технологияси «Story city» МЧЖнинг «2025-2030 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги 2024 йил 24 ноябрдаги 02-01/18-2-3809 маълумотномаси). Натижада,  $TiO_2$ -интеркалирланган бентонитларни қўллаш импорт маҳсулотига нисбатан 3 баробар юқори иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берди;



TiO<sub>2</sub>-интеркалирланган бентонитлар асосидаги каталитик фаол материалларни фойдаланиб оқова сувларни бўёқлардан тозалаш усули «Stogy city» МЧЖда «2025-2030 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги 2024 йил 24 ноябрдаги 02-01/18-2-3809 маълумотномаси). Натижада, фотокаталитик оксидланиш пайтида қисқа вақт ичида оқова сувлардаги бўёқларни (0,5 г/л) 98% га олиб ташлаш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур диссертация ишининг асосий натижалари 2 та халқаро ва 9 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар нашр этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси диссертацияларнинг асосий натижаларини нашр этиш учун тавсия қилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан 2 таси республика ва 3 таси халқаро журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертация ҳажми 109 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объектлари ва предмети тавсифланган, тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ эканлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бентонит гиллари, уларнинг тузилиши ва модификация қилиш усуллари**» деб номланган биринчи бобида бентонит гилларининг тузилиши ва таркиби, уларни модификация қилиш усуллари, шу жумладан интеркаляция ва устунли тузилиш кўриб чиқилган. Модификация қилинган гилларнинг адсорбцион хусусиятлари ва уларнинг оқова сувларни тозалашда қўлланилиши баён этилган. Мавжуд усуллар шарҳи бу материалларни ифлослантирувчиларни олиб ташлаш учун истиқболли эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Ti-интеркаляцияланган бентонитларни золь-гель усулида синтез қилиш ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида асосий бентонитлар ва уларнинг хусусиятларини тадқиқ қилиш усуллари батафсил ўрганилган. Асосий материал сифатида ишқорий бентонитларга бой бўлган Лоғон кон монтмориллонитли гили танланган. Таҳлил учун анатаз шаклидаги, тахминан 0,95 мкм ўлчамдаги тетрабутилтитанат асосидаги TiO<sub>2</sub> қўлланилган. Эритувчи

ва реактивлар сифатида бидистилланган сув, этанол, водород пероксиди, кислоталар ( $\text{HCl}$ ,  $\text{H}_2\text{SO}_4$ ,  $\text{HNO}_3$ ),  $\text{NaOH}$ ,  $\text{Na}_2\text{CO}_3$  ҳамда метилен кўки ва конго кизили бўёқлари қўлланилган.

Материалларни синтез қилиш учун монтмориллонитга бой бўлган Лоғон кон бентонит гилининг бойитилган шакллари қўлланилди. Бойитилмаган Лоғон гилининг (ЛГ) кимёвий таркиби қуйидаги оксидларни ўз ичига олади (масс. %):  $\text{SiO}_2$  - 56,32;  $\text{Al}_2\text{O}_3$  - 17,87;  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  - 4,11;  $\text{TiO}_2$  - 0,09;  $\text{MgO}$  - 1,67;  $\text{MnO}$  - 0,02;  $\text{CaO}$  - 0,25;  $\text{Na}_2\text{O}$  - 1,25;  $\text{K}_2\text{O}$  - 2,18;  $\text{P}_2\text{O}_5$  - 2,06;  $\text{SO}_3$  - 0,01;  $\text{H}_2\text{O}$  - 9,45;  $\text{CO}_2$  - 1,37; бошқа қўшимчалар - 12,5.

Бентонит намуналарини тайёрлаш ГОСТ 28177-89 стандартига мувофиқ амалга оширилди. Тозаланган Лоғон гили дистилланган сув билан (1:10 нисбатда) аралаштирилиб, рН 10 даражага етказиш ва каттионларни  $\text{Na}^+$ -формага ўтказиш учун кальцинацияланган сода қўшилди. Суспензияни дисперсиялашни тезлаштириш мақсадида ультратовушли ишлов берилгандан сўнг, 10 кунгача тиндирилди ва декантация усулида ажратилди. Қаттиқ фаза центрифугалаш орқали ажратилди ва  $100^\circ\text{C}$  да қуритилди. Қуритилган намуналар майдаланиб, кейинги тадқиқотлар учун 0,63 мм ўлчамли элакдан ўтказилди.

$\text{TiO}_2$  гели кислотали катализатор ёрдамида золь-гель усулида синтез қилинди. Бунинг учун  $\text{TiO}_2$  (ёки тетрабутилтитанат) этанол билан аралаштирилиб, 30 дақиқа давомида тиниқ эритма ҳосил бўлгунча аралаштирилди. Кейинчалик, эритма 1 М  $\text{HNO}_3$  га қўшилиб,  $\text{TiO}_2$  золи ҳосил қилинди.  $\text{NaOH}$  ёрдамида рН даражаси 1,5 га мослаштирилди ва золь сув билан тўйинган бентонит гилига аралаштирилди. Аралашма нейтрал рН га етгунча ювилиб,  $50^\circ\text{C}$  да қуритилди ва  $500^\circ\text{C}$  да қуйдирилиб, гил қатламларида  $\text{TiO}_2$  шакллантирилди. Якуний босқичда олинган материал майдаланиб, қоронғу жойда сақлашга жойлаштирилди.


Диссертациянинг «**Бентонитнинг таркиби, тузилиши ва текстура хусусиятлари ҳамда унинг  $\text{Ti}$ -интеркалланган шакллари ўрганиш**» учинчи бобда тадқиқот натижалари келтирилган.

Рентгенофазавий таҳлил натижаларига кўра, Лоғон гили намуналарида турли минерал компонентлар мавжудлиги аниқланган. Диаграммада тўлқин узунликлари 15,45; 12,92; 4,48; 2,59; 2,489 ва 15,02 Å бўлган интенсив дифракцион чизиқлар аниқланган бўлиб, улар асосий минерал сифатида натрий монтмориллонити мавжудлигини кўрсатади. Шунингдек, тўлқин узунликлари 10,03; 4,45; 3,794; 3,229 ва 0,1639 Å бўлган иллит қўшимча минералига хос чизиқлар ҳам аниқланган.

Бундан ташқари, каолинитнинг мавжудлиги 7,161 ва 2,592 Å тўлқин узунликларидаги акс этишлар орқали тасдиқланган. Гидрослюдалар 4,566; 3,607; 2,592 ва 1,559 Å тўлқин узунликларига эга чизиқлар орқали идентификация қилинган. Шунингдек, 0,3236; 0,2330 ва 0,1731 Å тўлқин узунликларига эга чизиқлар кузатилган бўлиб, улар дала шпати мавжудлигини кўрсатади. Қўшимча равишда, 4,26; 3,34 ва 1,82 Å тўлқин узунликларига эга

хос чизиқлар кварцга тегишли бўлиб, унинг тадқиқот қилинган намунада мавжудлигини тасдиқлайди.

1-расмда 5000 карра катталаштирилган электрон-микроскопик тасвирлар келтирилган бўлиб, Лоғон гилининг микроструктуравий хусусиятларини кўрсатади. Монтмориллонитга хос бўлган юпка пластинсимон ва толасимон заррачалар кузатилган бўлиб, бу юқори даражадаги қатламланишни англатади. Заррачаларнинг ўлчами бир неча микрометрдан субмикрометргача ўзгаради. Шунингдек, заррачалар ўртасидаги ғоваклар ва бўшлиқлар мавжудлиги кузатилган бўлиб, бу материалнинг юқори ғоваклилигини ва бентонитларга хос микроструктурани тасдиқлайди.




1-расм. ЛГ микротасвири.

TiO<sub>2</sub> интеркаляцияланган бентонитларнинг ноль заряд нуқтаси (НЗН) ни аниқлаш уларнинг катионлар ва анионлар билан ўзаро таъсирини баҳолаш, шунингдек, уларнинг оқова сувларни тозалаш ва каталитик жараёнлардаги потенциални аниқлаш учун зарур. Лоғон бентонитининг TiO<sub>2</sub> интеркаляциялашдан олдин ва кейинги НЗН қийматлари аниқлаш натижалари келтирилган бўлиб, бу интеркаляциялашнинг гил юзаси хусусиятларига таъсирини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.


Гил учун ноль заряд нуқтаси (НЗН) аниқлаш жараёни доимий ион кучига (0,01 M NaCl) эга шароитда, рН ўзгаришини кузатиш орқали амалга оширилди. Бу усул намунанинг НЗН қийматини аниқлаш имконини берди (2-расм). График маълумотлари гил концентрацияси ошган сари рН барқарорлашиб, маълум қийматга яқинлашишини кўрсатди. Гилнинг тизимга таъсир қилмайдиган рН қийматини аниқлаш учун интерполяция усули қўлланилди ва натижада НЗН га мос аниқ рН қиймати белгиланди.

График Лоғон гилининг суспензиядаги массаси ортиши билан эритманинг рН қийматидаги ўзгаришларни кўрсатади. Турли бошланғич рН қийматлари учун учта қиёсий эгри келтирилган. Кичик рН (5) қийматида рН ортиши кузатилган бўлиб, бу гилнинг ишқорий хусусиятларини кўрсатади. Юқори рН (10) қийматида рН пасайиши, нейтрал рН (7) қийматида эса ўзгаришлар сезиларли даражада кичик бўлган. Барча эгрилар гилнинг 1 г массадаги қийматида тахминан 7 га яқинлашган бўлиб, бу Лоғон гилининг ноль заряд нуқтаси (НЗН) га мос келади. Бу гилнинг рН ни барқарорлаштириш қобилятига эга эканлигини тасдиқлайди, бу эса унинг турли муҳитлардаги адсорбцион хусусиятлари учун муҳим аҳамиятга эга.



2-расм. Лоғон гилининг массасига нисбатан рН қийматининг турли бошланғич суспензия рН қийматларидаги боғлиқлиги ( $I=0,01$ ).

3-расмда азотнинг адсорбция-десорбция изотермаси тажрибалар натижасида олинган маълумотларга асосан келтирилган.



3-расм. Лоғон гилида азотнинг адсорбция ва десорбция изотермалари.

Табиий бентонит ҳисобланган Лоғон гилида азотнинг адсорбция-десорбция изотермаси макро- ва мезоғовакли материаллар учун хос бўлган типик эгиларни намоён қилади. Бошланғич босқичларда, паст босимда ( $P/P_0$ ), табиий бентонитнинг микроғоваклари босқичма-босқич тўлиши содир бўлади. Босимнинг ортиши билан мезоғовакларнинг тўлиши натижасида адсорбция кўпайиши кузатилган бўлиб, бу  $H_2$  типдаги гистерезис мавжудлиги билан тасдиқланади, яъни бу номутаносиб ғовакли структурага эга материаллар учун хосдир. Юқори босимда ( $P/P_0 > 0,9$ ) адсорбциянинг кескин ортиши макроғовакларнинг тўлишига ишора қилади. Бу маълумотлар ғовакли структура параметрларини миқдорий баҳолаш имконини беради, улар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

### Лоғон гилининг текстуравий хусусиятлари.


$S^1, \text{m}^2/\Gamma$	$S^2, \text{m}^2/\Gamma$	$S^3, \text{m}^2/\Gamma$	$t\text{-Plot}^*, \text{m}^2/\Gamma$	$V_a, \text{cm}^3/\Gamma$	$V_b, \text{cm}^3/\Gamma$	$R, \text{Å}$	$D, \text{Å}$	$D^*, \text{Å}$
26,02	129,21	75,33	46,51	0,01	0,08	56,29	18,67	10,14

<sup>1</sup> – БЭТ усули бўйича солиштирма юза,  $\text{m}^2/\text{g}$ ; <sup>2</sup> – Ленгмюр усули бўйича солиштирма юза,  $\text{m}^2/\text{g}$ ; <sup>3</sup> – мезоғоваклар бўйича солиштирма юза,  $\text{m}^2/\text{g}$ ; \* – ташиқи юза; – ўртача ғовак кенлиги; \* – ўртача микроғовак ўлчами;  $R$  – ўртача ғовак ўлчами.


Табиий бентонитнинг (Лоғон гили) текстура хусусиятлари таҳлили (1-жадвалга кўра) шуни кўрсатадики, БЭТ усули бўйича солиштирма юзаси  $26,02 \text{ m}^2/\text{g}$  бўлиб, бу микроғоваклар мавжудлигини тасдиқлайди. Ленгмюр усули

бўйича солиштира юза  $129,21 \text{ м}^2/\text{г}$  ни ташкил этади, бу эса юқори босимда, мезоғовакларга хос бўлган юқори адсорбцион қобилиятни тасдиқлайди. Мезоғоваклар бўйича солиштира юза  $75,33 \text{ м}^2/\text{г}$ , ташқи юза эса  $46,51 \text{ м}^2/\text{г}$  ни ташкил этади, бу қатламлараро бўшлиқларнинг катта ҳиссасига ишора қилади. Микроғоваклар ҳажми  $0,01 \text{ см}^3/\text{г}$ , мезоғоваклар ҳажми эса  $0,08 \text{ см}^3/\text{г}$  бўлиб, мезоғовакларнинг устунлигини кўрсатади. Ўртача ғовак ўлчами ( $56,29 \text{ \AA}$ ) мезоғовакли тузилишга мос келади.

$\text{TiO}_2$  интеркаляцияланган бентонит синтези учун қуйидаги шартлар қўлланилди: модификацияланган бентонитнинг массаси  $2,5 \text{ г}$ , сувсиз этанол ҳажми  $25 \text{ мл}$ , ҳарорат  $60^\circ\text{C}$  ва реакция вақти  $1 \text{ соат}$ . Интеркаляция жараёнида қўлланилган бутилтитанат миқдори ўзгарувчан бўлиб,  $1 \text{ мл}$  дан  $11 \text{ мл}$  гача ташкил этган. Юқорида келтирилган усуллар орқали олинган интеркаляцияланган тизимларнинг рентгенограммалари 4-расмда келтирилган..



**4-расм. Намуналарнинг рентгенограммалари.**



**5-расм. Турли ҳароратларда  $\text{TiO}_2$  интеркаляцияланган бентонитнинг рентгенограммалари ( $5 \text{ ммоль/г}$  нисбатда),  $^\circ\text{C}$ : А)  $25$ , В)  $50$ , С)  $60$ , D)  $70$ , Е)  $80$ , F)  $90$ .**


4-расмда  $\text{TiO}_2$  нинг турли миқдорлари ( $1$ ;  $3$ ;  $5$ ;  $7$  ва  $10 \text{ ммоль/г}$ ) билан модификацияланган бентонитнинг рентгенодифракцион тасвирлари кўрсатилган.  $\text{Ti}$ /бентонит нисбати  $1 \text{ ммоль/г}$  бўлганида, чўққиларнинг ўртача интенсивлиги ва қатламлараро масофа тахминан  $13,3 \text{ \AA}$  эканлиги кузатилади.  $\text{TiO}_2$  нинг  $3 \text{ ммоль/г}$  да қўлланилиши чўққиларнинг интенсивлиги ортишини кўрсатади, бу  $\text{TiO}_2$  нинг қисман интеркаляцияланганлигидан далолат беради.  $5 \text{ ммоль/г}$  да интенсивлик сезиларли даражада ортади ва максимал қийматга эришади, бу  $\text{TiO}_2$  нинг оптимал интеркаляциясини кўрсатади.

$7 \text{ ммоль/г}$  да интенсивлик пасайиши кузатилади, бу тизимнинг эҳтимолий ортиқча тўйинишидан далолат беради.  $10 \text{ ммоль/г}$  да эса бентонит тузилиши бузила бошлайди, бу чўққилар интенсивлигининг пасайиши билан тасдиқланади. Максимал интеркаляция эффекти  $5 \text{ ммоль/г}$  да кузатилади.  $\text{TiO}_2$  учун дифракцион чўққилар анатазга мос келади, заррача ўлчами Шеррер тенгламаси бўйича  $10\text{-}16 \text{ нм}$  оралиғида аниқланган.

Рентгенограммалар таҳлили (5-расм)  $\text{TiO}_2$  интеркаляциясига ҳароратнинг таъсирини кўрсатади. Ҳона ҳароратида интеркаляция суст бўлиб,  $15,7^\circ$  даги чўққи паст интенсивликка эга.  $50^\circ\text{C}$  да интенсивлик янада паст бўлиб,

интеркаляциянинг заифлигини кўрсатади. Аммо, 90°C да 23,6° даги рефлекс энг юқори интенсивликни намоён қилади, бу TiO<sub>2</sub> нинг максимал интеркаляциясидан далолат беради. Оптимал структура 80°C да кузатилади, бу ерда чўққилар барқарор ва TiO<sub>2</sub> нинг бентонит қатламларида бир текис тақсимланганлиги аниқланади. 90°C дан юқори ҳароратларда TiO<sub>2</sub> заррачаларининг агрегатланиши каби нохуш тузилмавий ўзгаришлар рўй бериши мумкин, бу структуранинг бир текислигини ёмонлаштиради.


6-расмда бойитилган Лоғон гили (БЛГ) ва интеркаляцияланган бентонит (TiO<sub>2</sub>-ЛГ) намуналарининг электрон-микроскопик тасвирлари ҳамда уларнинг 550°C да термик ишланган шакллари (БЛГ550 ва TiO<sub>2</sub>-ЛГ550) келтирилган.



6-расм. Намуналарнинг электрон-микроскопик тасвирлари: А) БЛГ; Б) БЛГ550; В) TiO<sub>2</sub>-ЛГ; Г) TiO<sub>2</sub>-ЛГ550.

Тасвирда БЛГ учун бирхил тузилиш, аниқ заррачалар ва текис юзалар кўриниб туради. Бойитилган бентонит гил минераллари учун хос бўлган қатламли тузилмага эга. Заррачалар орасидаги бўшлиқлар бир текис тақсимланган бўлиб, бу ишлов берилмасдан олдинги асосий тузилишга мос келади.

Термик ишланганидан сўнг, бентонитнинг тузилиши зичлашади, ва БЛГ550 юзаларида нотекслик пайдо бўлади, бу эса қисман деструкция ва фоваклиликнинг пасайишидан далолат беради.



7-расм. Намуналарнинг электрон-микроскопик тасвирлари: А) БЛГ550; Б) TiO<sub>2</sub>-ЛГ550.

TiO<sub>2</sub> интеркаляцияси юзасида кичикроқ заррачаларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг юза бўйлаб бир текис тақсимланишига олиб келди, бу эса фоваклилик ва текстуравий хусусиятларни яхшилади. TiO<sub>2</sub> интеркаляцияланган бентонитнинг (TiO<sub>2</sub>-ЛГ550) термик ишланиши TiO<sub>2</sub> заррачаларининг агломерациясига ва тузилишнинг зичлашишига сабаб бўлди,

бу фаол адсорбция нукталарига кириш имконини қисман чеклайди, аммо ғоваклилик сақланиб қолган.

Электрон-микроскопик тасвирлар (7-расм) шундан далолат берадики, 550°C да термик ишланганидан сўнг, БЛГ550 намунасининг тузилиши зичлашган ва консолидатланган бўлиб, катта заррачаларга (юзлаб нанометрлар) эга бўлган. Заррачалар орасидаги бўшлиқлар деярли йўқ, бу материалнинг ғоваклилиги пасайганидан далолат беради, бу эса учувчи моддаларнинг чиқиб кетиши ва юқори ҳарорат таъсирида тузилишнинг зичлашиши натижасида юзага келган. Бу ҳолат материалнинг адсорбция қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

TiO<sub>2</sub>-ЛГ550 намунасида заррачалар интеркаляцияланган TiO<sub>2</sub> туфайли сезиларли даражада кичик ва ғовакли кўринишга эга бўлиб, бу термик ишлашдан сўнг ҳам ғовакли тузилмани сақлаб қолишга ёрдам беради. Заррачаларнинг ўлчами бир неча ўн нанометрдан юзлаб нанометргача ўзгаради ва титан оксидининг бир текис тақсимланиши фаол марказларга киришни яхшилаиди, бу эса материалнинг адсорбцион хусусиятларини оширади.

2-жадвал.

Пиллар материалларининг текстуравий хусусиятлари

Намуна	$S^I$ , м <sup>2</sup> /г	$S^2$ , м <sup>2</sup> /г	$S^3$ , м <sup>2</sup> /г	$t-Plot^*$ , м <sup>2</sup> /г	$V_a$ , см <sup>3</sup> /г	$V_b$ , см <sup>3</sup> /г	$R$ , Å	$D$ , Å	$D^*$ , Å
ЛГ	31,48	156,34	91,15	56,28	0,01	0,10	47,63	15,80	8,58
TiO <sub>2</sub> ЛГ550-3	116,97	621,94	118,24	79,99	0,15	0,13	40,74	13,05	3,83
TiO <sub>2</sub> ЛГ550-5	123,98	687,79	84,94	79,66	0,29	0,09	38,91	12,22	3,54
TiO <sub>2</sub> ЛГ550-10	114,96	637,77	78,76	73,87	0,27	0,08	43,50	13,94	4,09

Пилларланган материалларнинг текстуравий хусусиятлари таҳлили TiO<sub>2</sub> интеркаляцияси натижасида бентонитнинг солиштирма юзаси БЭТ усули бўйича сезиларли даражада ошганлигини кўрсатади. Лоғон гилининг солиштирма юзаси кичик (31,48 м<sup>2</sup>/г) бўлса, интеркаляцияланган TiO<sub>2</sub>ЛГ550-3, TiO<sub>2</sub>ЛГ550-5 ва TiO<sub>2</sub>ЛГ550-10 намуналарида бу кўрсаткич 116,97-123,98 м<sup>2</sup>/г гача ошиб боради. Ленгмюр усули бўйича солиштирма юза TiO<sub>2</sub>ЛГ550-5 учун максимал қийматга эришган (687,79 м<sup>2</sup>/г), бу материалнинг текстуравий хусусиятлари яхшиланганлигини тасдиқлайди.

Микроғоваклар ҳажми TiO<sub>2</sub> интеркаляцияси натижасида, айниқса, TiO<sub>2</sub>ЛГ550-5 (0,29 см<sup>3</sup>/г) намунасида ошган, мезоғоваклар ҳажми эса пасайган. Ғоваклар ўлчами ҳам камайиб, тозаланган бентонитдаги 47,63 Å дан TiO<sub>2</sub>ЛГ550-5 намунасида 38,91 Å гача тушган, бу қатламлараро бўшлиқларни TiO<sub>2</sub> билан тўлишига ишора қилади.

TiO<sub>2</sub> интеркаляцияси ғовакли тузилмани кенгайтиради ва солиштирма юзани оширади, янги фаол марказлар ҳосил қилади, бу эса материалнинг адсорбция хусусиятларини яхшилаиди.

**«TiO<sub>2</sub>-пиллар бентонитларнинг адсорбцион ва каталитик фаоллиги ҳамда технологиясини ишлаб чиқиш»** деб номланган тўртинчи бобда TiO<sub>2</sub>-пиллар бентонитларнинг адсорбцион ва каталитик фаоллигини ўрганиш натижалари келтирилган.

3-жадвалда бўёқ моддаларнинг адсорбцияси бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб, улар асосида Лоғон гилининг адсорбцион хусусиятлари

Ленгмюр тенгламаси бўйича икки бўёқ модда — МК ва КҚ учун таҳлил қилинган.

3-жадвал.

Ленгмюр тенгламаси асосида ҳисобланган Лоғон гилининг ғовакли тузилма кўрсаткичлари


Адсорбат	$A_0$ , мг/г	$S_{\text{сол}}$ , м <sup>2</sup> /г	$G$ , Дж/моль	$\Sigma V$ , см <sup>3</sup> /г	$R$ , Å	$R^2$
МК	0,062	39,31	-10213,12	0,069	30,641	93,3
КҚ	0,009	11,51	-19312,14	0,010	46,820	94,5

МК учун адсорбцион сиғим 0,062 мг/г ни ташкил этади, бу КҚ учун бўлган қийматдан (0,009 мг/г) сезиларли даражада юқори бўлиб, Лоғон гилининг катион бўёқ моддаларни яхшироқ адсорбция қилишини тасдиқлайди. МК учун солиштирма юза ҳам каттароқ — 39,31 м<sup>2</sup>/г, КҚ учун эса 11,51 м<sup>2</sup>/г бўлиб, бу МК молекулалари билан ўзаро таъсир юзаси каттароқлигини кўрсатади.


Бироқ, адсорбция энергияси МК учун (-10213,12 Дж/моль) КҚ учун бўлган қийматдан (-19312,14 Дж/моль) паст бўлиб, бу юқори ўзаро таъсир энергиясига қарамасдан КҚ учун адсорбцион сиғимнинг пастлигини тушунтиради.

МК учун ғоваклар ҳажми 0,069 см<sup>3</sup>/г ва радиуси 30,641 Å ни ташкил этади, КҚ учун эса ғоваклар ҳажми камроқ — 0,010 см<sup>3</sup>/г, аммо радиуси каттароқ — 46,820 Å. Икки бўёқ модда учун ҳам корреляция коэффиценти юқори (МК учун 93,3 ва КҚ учун 94,5), бу Ленгмюр моделига мувофиқлигини кўрсатади.

Адсорбцион сиғимлар орасидаги фарқ молекулалар ўлчами билан боғлиқ: МКнинг молекулалари кичикроқ бўлиб, бу уларнинг ғовакли тузилмага киришини ва адсорбентнинг фаол марказларига етиб боришини осонлаштиради.



8-расм. Намуналарда МК адсорбцияси изотермаси: 1) TiO<sub>2</sub>ЛГ550-3; 2) TiO<sub>2</sub>ЛГ550-5 (20°С; рН=7).



9-расм. Намуналарда КҚ адсорбцияси изотермаси: 1) TiO<sub>2</sub>ЛГ550-3; 2) TiO<sub>2</sub>ЛГ550-5 (20°С; рН=7).

Экспериментал маълумотлар шуни кўрсатадики, интеркаляцияланган намуналарнинг (TiO<sub>2</sub>ЛГ550-3 ва TiO<sub>2</sub>ЛГ550-5) МК учун максимал сорбцион сиғим 2 соат ичида эришилади, бу катион бўёқ модданинг юқори адсорбция тезлигини кўрсатади. КҚ учун эса адсорбция жараёни молекула ўлчамларининг катталиги ва уларнинг анион табиати туфайли кўпроқ вақт —




тахминан 5 соат талаб этади. Бу молекулаларнинг адсорбент ғовакларига киришини ва алмашинув катионлари билан ўзаро таъсирини секинлаштиради.

Экспериментал натижалар интеркаляцияланган бентонитларнинг анион бўёқ модда учун сорбцион қобилияти табиий бентонит асосида олинган аввалги маълумотлардан анча юқори эканлигини кўрсатди (9-расм). Бу ҳолат, материал юзасининг заряди билан боғлиқ бўлиб, анионларнинг юқори фаоллигини таъминлайди.


МК ва КҚ бўйича пиллар Лоғон гили намуналарида адсорбция изотермаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, МК концентрацияси ошган сари адсорбция тез ўсади ва тўйинишга етади, бу Ленгмюр изотермаларига хосдир.  $TiO_2$ ЛГ550-5 намунаси катионларни яхшироқ тақсимланиши ва ғовакларга кенгроқ кириш имконияти туфайли юқори сорбцион сифимни намоён қилади. Фаол марказларнинг тўйиниши ҳар икки намуна учун тахминан 0,15 ммоль/г концентрацияда кузатилади.

КҚ бўйича адсорбция изотермалари эса секинроқ ўсишни кўрсатади, бу КҚ молекулаларининг катта ўлчамлари ва микроғовакларга киришнинг қийинлашганлиги билан боғлиқ.  $TiO_2$ ЛГ550-5 намунаси КҚ учун ҳам юқори сорбцион сифимни кўрсатади, бу унинг ривожланган ғовакли тузилиши ва алмашинув марказларининг кенгроқ кириш имкониятини тасдиқлайди.

Кислород ёрдамида бўёқ моддаларни оксидлаш жараёнида, 4 мг/л бошланғич концентрацияда 120 дақиқа мобайнида конверсия фақат 2-3% ни ташкил этади. Ультрабинафша нурланиш (280-320 нм) МК учун 2,5-3 соатдан кейингина ўзгаришларга олиб келади, КҚ эса юқори барқарорлигини намоён қилади. Водород пероксиди қўшилиши МК учун конверсияни атиги 2-3% га оширади, КҚ учун эса деярли ҳеч қандай ўзгариш кузатилмайди.



**10-расм. ПВ ва  $TiO_2$ ЛГ550-5 (4 г/л) билан ўзаро таъсирда бўёқ моддаларнинг (моль нисбат 1:1) деструкция даражаси (%).**



**11-расм. ПВ ва  $TiO_2$ ЛГ550-5 (4 г/л) билан ўзаро таъсирда бўёқ моддаларнинг (моль нисбат 2:1) деструкция даражаси (%).**

Водород пероксиди (ПВ) ва интеркаллированный  $TiO_2$ ЛГ550-3 ҳамда  $TiO_2$ ЛГ550-5 намуналари МК бўлган эритмага қўшилганида, 610 нм узунликдаги чўққиларнинг силжиши ва интенсивлигининг пасайиши кузатилади. Бу хромофор азогуруҳнинг бузилишидан далолат беради ва узок муддатли контакт давомида тўлиқ рангсизланишга олиб келади.

ПВ мавжуд бўлганида, пилларланган материаллар аниқ каталитик фаолликни намоён этади, бўёқ моддалар концентрациясини сезиларли


даражада пасайтиради. Худди шундай ўзгаришлар КК бўлган эритмаларда ҳам кузатилади, бу 10-расмда келтирилган маълумотлар билан тасдиқланади.

График таҳлили шу кўрсатадики, рангсизланиш жараёнининг дастлабки 40 дақиқасида бўёқ моддалар деструкцияси босқичма-босқич ортиб боради, вақт ўтиши билан деструкция тезлиги ҳам ошади. 40 дақиқадан сўнг деструкциянинг сезиларли тезлашиши кузатилади, бу  $TiO_2$ ЛГ550-5 ва водород пероксидининг оксидлаш жараёнида фаол иштирок этиши билан боғлиқ. Жараён охирига келиб, максимал деструкция даражаси (90% дан ортиқ) кузатилади.

КК МК га нисбатан бироз юқори рангсизланиш даражасини кўрсатади, бу  $TiO_2$ ЛГ550-5 билан кўпроқ самарали ўзаро таъсирини кўрсатади. Бирок, жараён тугашига яқин ҳар икки бўёқ модда бир хил даражадаги деструкцияга эришади, бу  $TiO_2$  интеркаляцияланган бентонит ва водород пероксидининг юқори каталитик фаоллигини тасдиқлайди.

Графикларнинг ПВ ва бўёқ моддалар нисбатлари 1:1 ва 2:1 учун таққосланиши шуни кўрсатадики, 1:1 нисбатда деструкция секинроқ кечади, 90% парчаланиш 100-120 дақиқада эришилади. 2:1 нисбатда эса жараён тезлашади: 70-80% парчаланиш 60 дақиқа ичида, 90% эса 90 дақиқага келиб кузатилади. Бу ПВ миқдорининг ортиши оксидлаш жараёнини тезлаштиришини ва  $TiO_2$ ЛГ550-5 катализаторининг самарадорлигини оширишини тасдиқлайди, бу тизимни қисқа муддатларда тозалаш учун самарали қилади.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида Лоғон гилидан  $TiO_2$ -интеркалланган бентонит олиш учун технологик схема ишлаб чиқилди.



12-расм.  $TiO_2$ -пиллар бентонит олиш учун технологик схема: нитрат кислота эритмаси учун сиғим (1), тетрабутилтитанат учун сиғим (2), этанол учун сиғим (3), дозаторлар (4),  $TiO_2$  золи синтези учун аралаштиргичли ва иситиш қобикли реактор (5), реактор учун иситиш тизими (6), ишқор эритмаси учун сиғим (7), бентонит учун сиғим (8), сув учун сиғим (9), бентонит суспензияси учун сиғим (10), бентонит интеркаляцияси учун аралаштиргичли ва иситиш қобикли реактор (11), центрифуга (12), ювиш-филтрлаш қурилмаси (13), барабанли қуригич (14), термик ишлаш учун печь (15), шарли тегирмон (16), дозалаш машиналари (17), қоплаш ускунаси (18), ювинди сувларни йиғиш учун сиғим (19).

$TiO_2$ -пиллар бентонит олиш технологияси 12-расмда келтирилган схема асосида амалга оширилади: нитрат кислота эритмаси (1), тетрабутилтитанат (2) ва этанол (3) сиғимларидан дозаторлар (4) орқали  $TiO_2$  золи синтези учун аралаштиргичли ва иситиш қобикли реакторга (5) юборилади. Бу жараён иситиш тизими (6) ёрдамида амалга оширилади. Синтездан сўнг, рН ни мувофиқлаштириш учун ишқор эритмаси (7) қўшилади. Бентонит суспензияси

бентонит (8) ва сув (9) сиғимларидан олиниб, аралаштиргичли ва иситиш қобиқли реакторга (11) киритилади.

Интеркаляция жараёнидан сўнг, аралашма центрифугада (12) сув фазадан ажратилади ва ювиш-филтрлаш қурилмасида (13) ювилади. Кейин материал 50°C да барабанли қуритгичда (14) қуритилади ва 500°C да термик ишлаш учун печда (15) ишланади, бу тузилмани барқарорлаштиришни таъминлайди. Шундан сўнг, шарли тегирмонда (16) майдаланади, дозалаш машиналари (17) ёрдамида фасовкаланади ва қоплаш ускунасида (18) қопланади. Жараёнда ҳосил бўлган ювинди сувлар йиғиш учун сиғимда (19) сақланади ва қайта ишланади ёки утилизация қилинади.

TiO<sub>2</sub>-пиллар бентонитларни ишлаб чиқариш учун моддий баланс ҳисоблаб чиқилди ва мавжуд аналог билан таққословчи таҳлил ўтказилди (4-жадвал).

4-жадвал.

**TiO<sub>2</sub>-пиллар бентонит ишлаб чиқариш учун моддий баланс (1 тонна учун)**

Компонент	Миқдори, кг (л)	Нархи, минг сўм/кг (л)	Қиймати, минг сўм
Бойитилган бентонит	910	7,7	7007
Тетрабутил-титанат	90	175,5	15795
Этанол	45	25,5	1147,5
Натрий гидроксиди	50	17	850
Сув	2000	0,005	10
Тўғридан-тўғри харажатлар (компонентлар қиймати 0,3)			7442,85
Бевосита харажатлар (тўғридан-тўғри харажатлар компонентлар қиймати 0,2)			6450,47
<b>Жами</b>			<b>38702,82</b>

1 тонна TiO<sub>2</sub>-пиллар бентонит ишлаб чиқариш учун моддий баланс асосида умумий таннарх 38 702,82 минг сўмни ташкил этади. Асосий харажатлар тетрабутилтитанат ва бойитилган бентонитга тўғри келади, уларнинг нархи этанол ва натрий гидроксиди каби ёрдамчи материаллардан сезиларли даражада юқори. TiO<sub>2</sub>-пиллар бентонитнинг 1 килограмми учун таннарх 38,7 минг сўмни ташкил этади, бу саноатда мавжуд аналогга (1 кг учун 120 минг сўм) нисбатан анча пастдир.

Харажатларнинг бу даражада пасайиши маҳаллий хомашёни қўллаш ва ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштириш билан боғлиқ бўлиб, маҳсулотни иқтисодий жиҳатдан самарали ва рақобатбардош қилади. Бу, айниқса, сув тозалаш тизимларида қўллаш учун ўта манфаатлидир.

#### ХУЛОСА

1. Лоғон гилини (ЛГ) таҳлил қилиш натижасида натрийли монтмориллонит, иллит, каолинит, гидрослюд ва кварц мавжудлиги тасдиқланди, бу характерли дифракцион чўққилар орқали кўриниб турибди. Термик таҳлил 100–400°C ҳароратларда асосий ўзгаришларни кўрсатди, улар дегидратланиш ва дегидроксилланиш жараёнлари билан боғлиқ. Электрон-микроскопик таҳлил ЛГнинг юқори ғоваклиликка эга қатламли тузилишини кўрсатди, бу эса уни адсорбция учун истикболли материал сифатида тавсия қилади.

2. Рентгенофазавий таҳлил натижаларига кўра, Ti/бентонит нисбати 5 ммоль/г ва интеркаляция ҳарорати 80-90°C бўлганида, гилнинг қатламлараро бўшлиқларига титан оксиди максимал даражада интеркаляция қилинган аниқланди. Бу 15,3° даражадаги дифракцион чўққиларнинг юқори интенсивлиги билан тасдиқланади. Электрон-микроскопик таҳлил TiO<sub>2</sub> заррачалари интеркаляциядан сўнг бентонитнинг қатламлараро бўшлиқларида кичик, бир текис тақсимланган агрегатлар кўринишида жойлашганлигини кўрсатди. Бу гилнинг ғовакли тузилишини тўлдириб, унинг тузилмага оид тартибланишини яхшилади, бу эса барқарор ва такомиллашган тузилмани яратишда муҳим аҳамиятга эга.

3. TiO<sub>2</sub>-интеркаляцияланган бентонитнинг ноль заряд нуқтаси (НЗН) ўзгаришини таҳлил қилиш натижалари интеркаляция жараёнининг бентонитнинг сирт хусусиятларига сезиларли таъсир кўрсатишини кўрсатди. Интеркаляцияланган TiO<sub>2</sub> миқдори ортиши билан тизимнинг рН қиймати пасаяди, бу интеркаляцияланган тизимларнинг бошланғич материалга нисбатан юқори кислоталигини тасдиқлайди. Натижада, TiO<sub>2</sub>ЛГ550-3 намунаси учун НЗН рН 5,0–5,5 оралиғида, TiO<sub>2</sub>ЛГ550-5 учун эса рН 4,7–5,0 оралиғида жойлашган. Бу ўзгаришлар рН НЗНдан паст бўлганида анионлар, юқори бўлганида эса катионлар учун адсорбция хусусиятларининг яхшиланишини кўрсатади.

4. TiO<sub>2</sub>ЛГ550-5 намунаси учун солиштирма юза БЭТ усули бўйича 123,98 м<sup>2</sup>/г гача ошгани аниқланди, бу бошланғич бентонит кўрсаткичидан (31,48 м<sup>2</sup>/г) деярли тўрт баравар юқори. Бу ғовакларнинг кенгайиши ва қатламлараро масофаларнинг катталаниши билан боғлиқ. Ғовакларнинг ўртача ўлчами бошланғич бентонитдаги 47,63 Å дан 38,91 Å гача камайгани, TiO<sub>2</sub>нинг қатламлараро бўшлиқларга муваффақиятли киритилгани ва янги фаол адсорбция марказлари ҳосил бўлганини тасдиқлайди.

5. Интеркаляция жараёнида солиштирма юзанинг ортиши қатламлараро масофаларнинг кенгайиши ва қўшимча фаол марказларнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Бироқ, TiO<sub>2</sub> миқдори 5 ммоль/г дан юқори бўлганида заррачаларнинг агрегатланиши кузатилади, бу ғовакларнинг тўсилишига ва ғоваклиликнинг пасайишига олиб келади.

6. TiO<sub>2</sub>-пиллар бентонитларнинг бошланғич бентонитга нисбатан бўёқ моддаларга нисбатан анча яхшиланган адсорбцион ва каталитик фаолликка эга эканлиги кўрсатилди. МК адсорбцияси асосан алмашинувчи катионлар миқдорининг юқорилиги билан боғлиқ бўлса, КҚ адсорбцияси эса қўшимча равишда фаол марказларнинг мавжудлигига боғлиқ эканлиги аниқланди.

7. TiO<sub>2</sub>-пиллар бентонитларни саноат миқёсида олиш учун технологик схема ишлаб чиқилди, бу лаборатория жараёнини минимал харажатлар ва юқори самарадорлик билан саноат даражасига кўчириш имконини беради. Қийсий таҳлил натижалари маҳаллий TiO<sub>2</sub>-пиллар бентонитларнинг импорт аналогларига нисбатан юқори сорбцион фаолликка эга эканлигини кўрсатди, бу уларни сувни тозалаш ва каталитик жараёнларда қўллаш учун устун қилади. Маҳаллий маҳсулотнинг таннархи импорт аналогларига нисбатан деярли икки баравар паст бўлиб, унинг рақобатбардошлигини оширади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ  
ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

---

**ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**ИБАДУЛЛАЕВА САИДА МАХМУДЖАНОВНА**

**СОЗДАНИЕ TiO<sub>2</sub>-ИНТЕРКАЛИРОВАННЫХ СИСТЕМ И  
ИССЛЕДОВАНИЕ ИХ КОЛЛОИДНО-ХИМИЧЕСКИХ  
ХАРАКТЕРИСТИК**

**02.00.11 – Коллоидная и мембранная химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (PhD) ФИЛОСОФИИ  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2025**

Тема диссертации доктора (PhD) философии по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистана под номером B2024.4.PhD/T5190

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:**

**Абдикамалова Азиза Бахтияровна**  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Якубов Йўлдош Юсупбоевич**  
доктор химических наук, профессор

**Усманов Расул Муратбаевич**  
доктор философии по техническим наукам (PhD), доцент

**Ведущая организация:**

**Наманганский инженерно-технологический институт**

Защита состоится «14» марта 2025 г. в «14<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета PhD.02.30.12.2019.K/T35.01 при Институте общей и неорганической химии по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: [ionxanzuz@mail.ru](mailto:ionxanzuz@mail.ru)

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № 1, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а). Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Автореферат диссертации разослан «28» февраля 2025 года.  
(Реестр за № 1 от «28» февраля 2025 года).



**Закиров Б.С.**

Председатель научного совета по присуждению  
ученой степени, д.х.н., проф.

**Салиханова Д.С.**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н., проф.

**И.Д.Эшметов**

Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученой степени, д.т.н. проф.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) наук)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Во всем мире загрязнение природных и сточных вод органическими веществами, такими как красители, фенолы и другие устойчивые загрязнители, остается серьезной экологической проблемой. Традиционные методы очистки часто оказываются недостаточно эффективными для удаления этих соединений, что приводит к их накоплению в окружающей среде и негативному воздействию на водные ресурсы. В связи с этим, все больше внимания уделяется разработке новых адсорбционных материалов, таких как  $TiO_2$ -интеркалированные системы, которые обладают улучшенными коллоидно-химическими характеристиками, обеспечивающими высокую эффективность в процессах адсорбции и каталитического окисления загрязнителей.

На сегодняшний день во всем мире активно проводятся исследования по созданию перспективных высокопористых материалов на основе полиоксокатионов металлов и бентонита. В связи с этим особое внимание уделяется обоснованию ряда научных решений, в том числе: разработке физико-химических основ целенаправленного интеркалирования монтмориллонита, выявлению взаимосвязей между методами синтеза, составом и текстурными характеристиками получаемых адсорбентов и катализаторов, изучению условий для очистки природных и промышленных сточных вод, разработке и тестированию новой технологии получения пористых материалов.

В Республике достигнуты научные и практические результаты по получению новых материалов, в том числе адсорбционных материалов на основе бентонита. В третьем направлении стратегии развития Нового Узбекистана, направленной на дальнейшее развитие Республики Узбекистан определены задачи в направлении «Обеспечение устойчивости национальной экономики и увеличение промышленности в общей внутренней продукции, увеличение объема производства промышленности продукции в 1,4 раза...»<sup>1</sup>. Важными аспектами являются научные исследования, направленные на разработку современных высокоэффективных адсорбционных реагентов, исследованию на установление взаимосвязи между характеристиками реагентов, условиями их производства и составом.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе ускоренного развития химической промышленности на 2017-2021 годы», № ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической

---

